БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ МУНОСАБАТЛАРИ ВА ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Т.Х.ҲАСАНОВ, А.ТЕШАБОЕВ, И.ОХУНОВ

В статье разбираются вопросы социализации учащихся в условиях рыночной экономики, их актуальность на современном этапе развития общества и педагогической науки.

The problems of socializations of students provided under the market economies, their urgency at the modern stage of the development of society and pedagogical sciences are studied in this article.

Инсоният тарихий тараққиёти жараёнида бешта ижтимоий-иқтисодий тизимни кашф этди ва бу тизимларда фаолият кўрсатиб, уларнинг ютук ва камчиликларини ўз тажрибасидан ўтказди. Ҳанузгача ҳамма одамлар талабига монанд, бекам-кўст ижтимоий тузум яратилганча йўқ. Шунинг учун ҳам халқимизда “бир кам дунё” деган нақл пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас. Аммо инсоният эзгулик сари интилмоқда, одамзоднинг энг юксак ақллари ҳамон ҳамманинг талабларига жавоб бериши мумкин бўлган жамиятни қидиришни давом эттирмоқда. Афсуски, ҳозиргача бундай жамиятлар, уларда яшаётган мукаммал инсонлар фантастик асарлар, халқ оғзаки ижоди манбаларидагина мавжуд бўлиб қолмоқда.

Мазкур масалага ўқувчиларимизнинг диққатини тортишдан бизнинг педагогик мақсадимиз бор: мукаммал жамият бўлмаганидек, ҳанузгача таълим-тарбия даргоҳларида мукаммал, бекаму кўст инсонни тарбиялаб етиштиришнинг иложи бўлмаяпти. Нима учун?

Муаммони бу тарзда қўйишимизга асосимиз бор: табиатни инсонлар яратган эмас, у ўзининг умумий ва хусусий қонунлари заминида яшайди, инсоният табиатнинг маълум тараққиёт дарвларида пайдо бўлди ва ўзининг ривожланиши босқичларида жамият бўлиб яшашга ўрганди. Одамларнинг мукаммаллашув даражаси, ўзаро инсоний ва ишлаб чиқарувчилик муносабатлари билан яшаш учун танланган жамият турлари орасида мустаҳкам боғликлик бор. Инсониятни феодализм тузумидан қулдорлик ёки қулдорлик тузумидан ибтидоий жамиятга қайтариб бўлмайди. Чунки инсониятнинг ривожланганлик даражаси ва жамият тараққиёти бир-бирига мос келиши керак.

Булардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: инсонларнинг мукаммаллашув даражаси жамиятнинг тараққий этиш жараёнига, даражасига таъсир этади ва аксинча, жамиятнинг тараққиёт даражаси шахс ривожланишига ўз таъсирини ўтказади. Инсониятнинг тараққиёт

даражаси жамият ривожланишининг истиқбол йўналишини белгилаб беради.

Мазкур методологик фикрни педагогика фани тилида ифодаласак, қуйидагича бўлади: шахснинг ривожаланиши жамиятнинг тараққиёт даражаси билан ўзаро боғлиқ, шахснинг тарбияланганлик даражаси жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади ва унинг янада тараққий этишига сабаб бўлади. Аввал жамиятни тараққий эттириб олиб, кейин баркамол авлод тарбиясига киришиш мумкин эмас. Бу жараёнлар бир бутун кечиши керак, аммо баркамол авлодни тарбиялаш етакчи мақсад бўлиши лозим. Айни шу маънода баркамол авлод шахси тарбияси – мақсад, қолганлари уни амалга ошириш воситаларидир.

Илмий педагогика пайдо бўлмасдан илгари ҳам ўзбек халқи бу муаммоларга эътибор берган ва ўз қарашларини эмпирик педагогикада – халқ педагогикасида акс эттирган. Аммо ҳанузгача илмий педагогикада ҳам бу муаммога узил-кесил, бир хил ва аниқ жавоб айтилганича йўқ. Бу муаммо: "Шахсни камолга етказишида қайси омил ҳал қилувчилик хусусиятига эга?" деб номланади.

Мазкур педагогик муаммо мутахассисларга етарлича таниш бўлгани учун масаланинг моҳиятигагина тўхталамиз. Шахс ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: биогенетик, социогенетик, таълим-тарбия. Биогенетик омиллар дейилганда – ижтимоий муҳит, таълим-тарбия дейилганда – мактаб омиллари тушунилади. Педагогик адабиётларда, одатда, шахснинг камолга етишида таълим-тарбия, яъни мактаб омили етакчи деб кўрсатилади. Мазкур педагогик муаммо фақатгина бизда эмас, ҳатто ривожланган мамлакатлар педагогикаси назариясида ҳам долзарбдир. Аммо улар биз зикр этган учта омилга тўртинчи омилни, яъни боланинг (ўқувчининг) субъектив фаоллигини қўшадилар ва уни етакчи омил деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, агар субъект (бола) ўзининг ривожланиши, камолга етиши учун ўзи фаоллик кўрсатмаса, интилмаса, ҳеч қандай биогенетик, социогенетик, таълим-тарбия омиллари, имкониятлари унга ёрдам бера олмайди. Бу омилни етакчи ҳисоблаётган педагогика фанига демократик, инсонпарварлик педагогикаси номи берилган.

Баркамол авлодни тарбиялашда, дарҳақиқат, боланинг субъектив фаоллиги етакчилик ролини ўйнайди. Етакчилик ролини эгаллаши унинг фаолият мотивлари билан боғлиқдир. Фаолият мотивлари эса унинг кундалик ҳаёт тарзи, яшаши, орзу-умидлари, иқтисодий, маънавий-руҳий ҳолати, жамиятда эгаллаган ёки эгалламоқчи бўлган ўрни, ижтимоий мақсадга йўналганлиги каби манбалардан келиб чиқиб шаклланади. Яъни бола мавжуд ижтимоий позициясидан, ролидан келиб чиқиб, улардан рози ёки норози бўлган ҳолатда ижтимоий ориентация олади, ижтимоий йўналади. Тўғрироғи, олдига мақсад қўяди, ҳаракатга тушади, фаоллик кўрсатади. Демак, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бола учун фаолият мотивларини танлаб олиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Тўғри, ўқув қуроллари, дарс жараёни, баҳолар, қизиқишлар ҳам маълум даражада ўқув фаолияти мотивлари бўла олади. Аммо улар "ўткинчи" хусусиятига эга, ўқувчи маълум ёшга борганидан кейин уларнинг вақтинчалигини сезиб қолади ва совийди. Ижтимоий кундалик ҳаёт, ишлаб чиқариш, шахслараро муносабатлар, ижтимоий позиция, ижтимоий ҳоллар, бизга ёқиш ёқмаслигидан қатъи назар, реал борлиқдир. Фаолият мотивларининг ўшаларга асосланиши хаёллар дунёсида эмас, реал, мавжуд замонда яшашни, унинг бор имкониятларидан фойдаланиб жамиятни мукаммаллаштиришга, ривожлантиришга ҳисса қўшишни тақозо этади.

Баркамол авлодни тарбиялашдаги муаммолардан яна бири педагогика фанидаги "ривожланиш", "шакллантириш", "тарбиялаш", "ижтимоийлаштириш" каби умумий тушунчаларнинг предмети, объектлари, вазифаларининг аниқ-равшан чегараланмаганлигидир. Тўғри, педагогика фанида бу тушунчаларга таърифлар у ёки бу даражада берилган, функциялари аниқланган. Аммо индивидга таъсир доираси, чегаралари, даражалари, бир-бирларига муносабатларига очиб берилмаган. Натижада ҳатто илмий-услубий адабиётларда ҳам уларнинг синонимлар тарзида ишлатилаётганига гувоҳ бўламиз. Назаримизда, бу умумий тушунчаларнинг индивидга таъсир доиралари, чегаралари, даражалари, ўзаро муносабатлари, бир-биридан фарқли ва ўхшаш томонларини аниқлаб олмай туриб, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги ҳаракатимиз фойда бермайди. Чунки зикр этилган умумий тушунчалар ўз моҳиятига кўра индивиднинг ҳар хил доираларига таъсир этиш кучига эга. Шундан

келиб чиқиб, биз таъсир этиш ёки индивид билан ҳамкорлик усулларини танлашимиз зарур бўлади.

Педагогика фанидаги умумий тушунчалардан бири “ривожланиш” тушунчасидир. Ривожланиш – бу индивиднинг суяк-мускул, олий нерв тизими, таносил органларининг ўз ички табиий қонуниятлари асосида босқичма-босқич ривожланиб боришидир. Ташқаридан бу жараёнларга билмай туриб аралашиб бўлмайди, уларга зиён қилиб қўйиш мумкин. Аммо таълим-тарбия манфаатларидан келиб чиқиб, бу жараёнларни олдиндан прогноз қилса, моделлаштирса бўлади. Ривожланиш суръати, даражасини педагогик диагностика қилиб, баркамол авлодни тарбиялашнинг таъсир ёки ҳамкорлик услубият усулларини танласа бўлади.

“Шаклланиш” умумий тушунчаси мазкур индивид учун индивидуал танланган таъсир ёки ҳамкорлик услубият усуллари натижаси сифатида характерланади. Шаклланиш жараёнида таъсир, ҳамкорлик услубият усулларининг ижобий ёки салбий натижалар бераётганлигини педагогик диагностика қилиш мумкин. Шакллантиришда, одатда, психик жараёнлар, ҳолатлар ва сифатлар диққат марказида бўлади. Шаклланиш ўз-ўзидан рўёбга чиқиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда “бошқарилмаётган” шаклланиш ҳақида гапирилади. Чунки тарбиясизликнинг ўзи ҳам тарбия натижасидир. Яъни тарбиясизлик ҳам маълум омилларнинг индивидга (фақат ҳисобга олинмаган ҳолда, тартибсиз) таъсири маҳсулидир. Таъкидлаб ўтамизки, бу тартибсиз, ҳисобга олинмаган омиллар, одатда, жамият таркибида содир бўлаётган ишлаб чиқариш ёки шахслараро муносабатлардан иборатдир. Бу ижтимоий иқтисодий муносабатлар, шахслараро мулоқотлар индивидда ижобий ёки салбий сифатларни шакллантириб қўйиши ҳам мумкин.

“Тарбиялаш” умумий тушунчасининг маъноси – бу субъектнинг (ўқувчининг) тарбиявий мақсадларини англаб, тушуниб, унинг ўз мақсадини амалга ошириши учун педагогнинг тарбияланувчи билан ҳамкорлик қилишидир деб таъкидланади демократик, инсонпарварлик педагогикасида. Биз ушбу педагогик таъриф тарафдоримиз. Чунки бу ўринда тарбияланувчининг фаоллигига, эркинлигига йўл очиб берилмоқда. Авторитар, зўравонлик педагогикасида эса тарбияга тарбиячининг маълум (унинг ўзи муҳим деб ўйлаган) мақсадларни кўзлаб туриб тарбияланувчига таъсир этиши тушунилади. Бу ерда тарбияланувчи танлаш ҳуқуқидан маҳрум этиляпти ва тарбиявий зўровонлик очиқдан-очиқ сезилиб турибди.

Шахсни тарбиялаш мақсади мавжуд тузум, давлат, жамият манфаатларидан келиб чиқади. Тарбия натижасидан, аввало, ижтимоий-иқтисодий ҳолат, ишлаб чиқариш муносабатлари, жамиятнинг маънавий-маданий ривожланганлик даражаси манфаат топиши керак. Агар бунга эришилмаса, тарбиявий интилишлар, хатти-ҳаракатлар кутилган мақсадга олиб келмаган ҳисобланади. Ана шу маънода тарбиялаш тушунчаси ривожланиш, шакллантириш тушунчаларига нисбатан интегратив характерга эга бўлади. Яъни ривожлантириш, шакллантириш жараёнлари тарбиялаш мақсадларини амалга оширишга хизмат қилиши зарур.

“Ижтимоийлаштириш” – бу индивиднинг реал муҳитдаги инсоний алоқаларга, ундаги муомала-мулоқотларга, одамларнинг яшаш тарзларига, маънавий-маданийлик, удумий қадриятлилик муносабатларига иштирокини уюштиришдир.

Ижтимоийлаштириш – бу, биринчидан, амалиётдир; иккинчидан, ижтимоийлаштириш шароитини индивид бошланишида танлаб ололмайди; учинчидан, ижтимоийлаштириш омиллари соф “яхши” ёки “ёмон” бўлолмайди, иккаласи “жамоатчилик” номи билан бир бутунликда бўлади; тўртинчидан, жамоатчилик ўзининг қоида ва нормаларининг индивидга ёқиши-ёқмаслиги билан ҳисоблашмайди; бешинчидан, ижтимоийлаштириш омиллари, агар индивид унинг нормаларини қабул этолмаса, уни ўз таркибидан сиқиб чиқаради.

Ижтимоийлаштириш сўз-тушунтиришлар воситасида эмас, амалиёт жараёнларида рўёбга чиқарилади ва айни вақтда, шахснинг ривожланганлик, шаклланганлик, тарбияланганлик даражалари учун синовчилик, текширувчилик, қабул қилишлик вазифаларини ҳам бажаради. Ижтимоийлаштириш омиллари таркиби ҳар доим ҳам ижобий бўлавермайди, бироқ, фикримизча, улардан ҳам тўғри мақсадларда фойдаланиш мумкин. Масалан, жиноятчилик, наркоманлик, алькоголизм, зўравонлик, фирибгарлик каби негатив ҳодисалардан жамиятни бутунлай тозалаб бўлмайди. Тўғри уюштирилган ижтимоийлаштиришда улардан салбий ҳодиса сифатида, баркамол авлодни тарбиялашда негатив мисоллар сифатида фой-

даланиш мумкин. Бозор иқтисодиёти муносабатлари энг мукаммал омил сифатида ёшларни ижтимоийлаштиришда катта аҳамиятга эгадир. Чунки унинг қонунлари объектив характерга эга бўлиб, ҳеч қандай хаёлпарастликка йўл қўймайди. Бу эса, ўз навбатида, баркамол авлодни ижтимоийлаштиришни реал асосларда амалга оширишга имкон беради.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти муносабатлари баркамол авлодни ижтимоийлаштиришнинг реал асосигина бўлиб қолмай, баркамол инсоннинг етуклигини аниқлаш мезони ҳамдир. Тарбия тушунчаси ривожланиш, шаклланиш умумий тушунчаларига нисбатан интегратив хусусиятга эга бўлса, ижтимоийлаштириш ҳар уччаласига нисбатан саралаш, танловчилик, жорий этишлик характерига эгадир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т., 1992
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.,1995
3. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. - Т., 2004
4. Жабборов И. Ўзбеклар турмуш тарзи ва маданияти. - Т., 2003
5. Сафо Очил Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. - Т., 1995

Андижон давлат университети,
2010 йил 16 майда қабул қилинган